



«06» сентябрь 2022-у.
— 02-02/5-2051 — - son

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Президент таълим муассасалари
агентлиги

Қорақалпоғистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги,
Тошкент шаҳар халқ таълими бош
бошқармаси, вилоятлар халқ таълими
бошқармалари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтидорли ўқувчилар ўртасида фан олимпиадаларини ўтказиш тизимини такомиллаштириш ҳамда хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактабни аниқлаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 9 сентябрдаги 562-сон қарорида умумтаълим фанлари бўйича асосий олимпиада давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари, академик лицей ва касб-хунар мактаблари ўқувчилари ўртасида республика миқёсида тизимли равишда ҳар йили ташкил этилиши ҳамда ушбу олимпиаданинг биринчи босқичи сентябрь ойида ўтказилиши белгиланган.

2022/2023 ўқув йили учун асосий олимпиаданинг биринчи (мактаб) босқичини **1-илова**даги рўйхатда келтирилган умумтаълим фанлари бўйича 2022 йил сентябрь ойида ўтказилишини таъминлашингизни сўраймиз.

2022/2023 ўқув йили учун умумтаълим фанлари бўйича асосий олимпиаданинг биринчи (мактаб) босқичини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар **2-илова**га мувофиқ юборилмоқда.

Нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотларини асосий олимпиаданинг биринчи (мактаб) босқичини ўтказиш юзасидан хабардор қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига топширилади.

Вазирнинг
биринчи ўринбосари

У. Шарифходжаев

Ижрочи: С.Қодиров
Тел: 71-241-04-83



Халқ таълими вазирлигининг
2022 йил 06 сентябрдаги
02-02/5-2051-сонли хатига
1-ИЛОВА

**2022/2023 ўқув йили учун асосий олимпиаданинг
биринчи (мактаб) босқичи ўтказиладиган фанлар рўйхати**

1. Математика
2. Физика
3. Кимё
4. Биология
5. Информатика ва ахборот технологиялари
6. Она тили ва адабиёт
7. Ўзбек тили (бошқа тилларда таҳсил оладиганлар учун)
8. Қорақалпоқ тили ва адабиёти
9. Рус тили ва адабиёти
10. Инглиз тили
11. Немис тили
12. Француз тили
13. Тожик тили
14. Қозоқ тили
15. Тарих
16. География



Халқ таълими вазирлигининг
2022 йил 06 сентябрдаги
562-сонли хатига
2-ИЛОВА

**2022/2023 ўқув йили учун умумтаълим фанлари бўйича асосий
олимпиаданинг биринчи (мактаб) босқичини ташкил этиш
ва ўтказиш бўйича
ТАВСИЯЛАР**

1-§. Умумий қоидалар

1. Мазкур тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтидорли ўқувчилар ўртасида фан олимпиадаларини ўтказиш тизимини такомиллаштириш ҳамда хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактабни аниқлаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 9 сентябрдаги 562-сон қарорининг 1-иловасидаги Низом талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу тавсиялар 2022/2023 ўқув йили учун умумтаълим фанларидан асосий олимпиаданинг биринчи (мактаб) босқичини (кейинги ўринларда – Олимпиада) ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида қўлланилади.

2-§. Олимпиадани ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

3. Олимпиада давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотларининг 9–11-синф ўқувчилари, академик лицей ва касб-хунар мактабларининг 1–2 -босқич ўқувчилари ўртасида ҳар бир синф (босқич) учун алоҳида такшил этилади ва ўтказилади.

4. Олимпиадани ташкил этиш ва ўтказишда таълим муассасаси педагогик кенгаши томонидан қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

олимпиада ўтказиладиган жойни белгилаш ва ўқувчилар хавфсизлигини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриш;

ҳар бир фан бўйича ҳакамлар ҳайъати таркибини тузиш (3-7 нафар), апелляция комиссияси аъзолари рўйхатини шакллантириш;

назорат материалларини тайёрлаш ва махфийлигини таъминлаш чораларини кўриш;

олимпиада натижалари ва ҳакамлар ҳайъати қарори асосида ғолибларни кейинги босқичда иштирок этиши бўйича тавсияни юқори турувчи ташкилий қўмига тақдим этиш.

4. Олимпиаданинг ўтказилиши жойи ва муддатлари бўйича барча ўқувчилар **камида 3 кун олдин** (эълонлар тахтаси, ижтимоий тармоқлар ва телеграм гуруҳларга эълон жойлаштириш, фан ўқитувчилари томонидан машғулотлар вақтида, умумий сафланишда оғзаки эълон қилиш ва бошқалар) хабардор қилиниши лозим.

Ўқувчиларни олимпиада ўтказилиши ҳақида хабардор қилишни таъминлашга таълим муассаса директори шахсан масъул ҳисобланади.

Ўқувчилар олимпиадаларда ўз хоҳишларига кўра, ихтиёрий равишда катнашадилар.

Айрим сабабларга кўра белгиланган муддатда олимпиадада иштирок этмаган ўқувчи учун қайта олимпиада ўтказилмайди, олимпиадада иштирок этмаган ўқувчини кейинги босқичда иштирок этиш учун тавсия этиш мумкин эмас.

5. Ҳар бир фан ва синф кесимида иштирокчилар орасидан баллар кетма-кетлигида **3 нафаргача** ғолиб аниқланади ва мактаб педагогик кенгашининг (ёки нодавлат таълим ташкилоти раҳбарининг) қарори билан асосий олимпиаданинг кейинги босқичида иштирок этиш учун тавсия этилади.

6. Кейинги босқичда иштирок этиш учун тавсия этилган ўқувчилар ҳамда уларнинг ўқитувчилари ҳақидаги маълумотлар олимпиада ўтказилгандан сўнг **бир кун муддат ичида** Халқ таълими вазирлигининг olympiad.uzedu.uz ахборот тизимига жойлаштирилиши шарт.

Олимпиадани ўтказиш билан боғлиқ масалалар, назорат материалларининг махфийлигини, жараённинг адолатли ва шаффоф ўтказилишини таъминлашга таълим муассасаси директори масъул ҳисобланади.

7. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими биринчи босқич ташкил этилишини мувофиқлаштиради ҳамда адолатли ва шаффоф ўтказилиши бўйича назоратни амалга оширади.

3-§. Олимпиада натижаларини баҳолаш бўйича тавсиялар

8. Олимпиада натижаларини баҳолаш фанлар бўйича таълим муассасаси педагогик кенгаши томонидан тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

Олимпиада натижаларини баҳолаш олимпиада ўтказилган куни амалга оширилади.

9. Олимпиада фанлар бўйича тест топшириқлари, ёзма ва амалий иш шаклида ташкил қилиниши мумкин.

Назорат материаллари ўқувчиларнинг билим, кўникмаларини стандарт ва ностандарт масалаларда, амалий топшириқларда қўллай олиш малакаларини ва компетенцияларини баҳолашга қаратилган бўлиши лозим.

10. Олимпиада иштирокчилари топшириқларни таълим олаётган тилига мос равишда ўзбек ёки рус тилларида бажариши мумкин. Чет тиллар ва қардош тиллар фанлари бундан мустасно.

4-§. Ҳакамлар ҳайъати ва аудитория раҳбарлари бўйича тавсиялар

11. Олимпиадада таълим муассасаси педагогик кенгаши томонидан 3 кишидан 7 кишигача таркибда ҳакамлар ҳайъати тузилади.

12. Таълим муассасаси директори томонидан олимпиада ўтказиладиган фанлар ва аудиторияларнинг сонига мос равишда ҳар бир аудиторияга бир нафардан аудитория раҳбари ва назоратчиси рўйхати шакллантирилади.

Аудитория раҳбари ва назоратчиси олимпиада ўтказиладиган фан ўқитувчиси бўлиши мукин эмас.

Аудитория раҳбари:

иштирокчиларга олимпиаданинг тартиб-қоидалари тўғрисида қисқача тушунтиради;

олимпиада бошланиши ва тугаш вақтини эълон қилади ҳамда олимпиада жараёнини назорат қилади;

фан олимпиадаси жараёнида ўрнатилган тартиб-қоидаларга амал қилмаган ўқувчиларни олимпиададан далолатнома тузиб четлаштиради;

иштирокчиларнинг бажарган ишларини шифрлаб, текшириш учун ҳакамлар ҳайъатига топширади;

ҳакамлар ҳайъати томонидан текширилган ишларни шифр бўйича рўйхатини тузади ва педагогик кенгаш раисига тақдим этади.

13. Аудитория назоратчилари олимпиада ўтказилаётган ва ўзлари бириктирилган аудиторияда тартиб сақланишини таъминлайдилар ва аудитория раҳбарига қўйилган вазифаларни амалга оширишда кўмаклашадилар.

14. Иштирокчиларга топшириқларни бажариш учун берилган вақт яқунлангандан сўнг аудитория раҳбари томонидан, уларнинг ишлари йиғиб олинади ва шифрланган ҳолда ҳакамлар ҳайъатига топширилади.

Аудитория раҳбари иштирокчиларнинг ишларини шифрлашдан олдин сканнер қилади ва махсус телеграмм канал (гурух)га жойлаштиради.

15. Ҳакамлар ҳайъати олимпиада иштирокчилари томонидан бажарилган ишларни ҳолисона текширади ва баҳолайди.

16. Ўқувчиларнинг ишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолангандан сўнг, топшириқлар ҳамда уларнинг ечимлари эълонлар доскасига осилади.

17. Ҳакамлар ҳайъати якуний балларни қарорга киритиб, барча иштирокчиларнинг натижаларини ва қарорни эълонлар доскасига осади.

Баҳолаш жараёни соат 18:00 дан кечикканда натижаларни аввалдан махсус ташкил этилган телеграмм канал (гурух) да эълон қилиш мумкин.

18. Ҳакамлар ҳайъати топшириқлар ва уларнинг ечими юзасидан иштирокчиларнинг талабига кўра тушунтириш бериши лозим.

Ҳакамлар ҳайъати қароридан норози бўлган ўқувчилар апелляция комиссиясига **шу куннинг** ўзида мурожаат қилишга ҳақли.

19. Олимпиада ўтказиладиган ва ҳакамлар ҳайъати ишлаши учун ажратилган аудиториялар онлайн видеокузатув камералари билан жиҳозланади. Аудиторияда телефон ва турли алоқа воситаларидан фойдаланиш тақиқланади. Кимё ва физика

фанларида калкулятордан ҳамда математика фанида циркуль ва чизғичдан фойдаланишга рухсат этилади.

20. Таълим муассасаси директори олимпиада жараёнларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш ва техник қўллаб қувватлаш бўйича масъул ходим бириктиради.

Бириктирилган масъул ходим:

кейинги босқичда иштирок этиш учун тавсия этилган ўқувчилар ҳамда уларнинг ўқитувчилари ҳақидаги маълумотларни Халқ таълими вазирлигининг olympiad.uzedu.uz ахборот тизимига жойлаштиради;

барча иштирокчилар, уларнинг устозлари ва ота-оналари учун очик бўлган махсус телеграмм канал (гурух) ташкил этади;

махсус телеграмм канал (гурух)да эълонлар, иштирокчиларнинг шифрланмаган ва текширилмаган ҳолдаги ишлари, олимпиада якунлангандан кейин назорат материаллари ва ечимлар, олимпиада натижаларини жойлаштирилишини мувофиқлаштиради.

21. Олимпиада жараёнида дуч келинган барча муаммолар 1-бандда қайд этилган Низомда белгиланган талаблар асосида ҳал этилади.